

## Китобхонликда Таътил Бўлмайти

*Наурызбаева Шийрин<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ўқувчиларимизга айниқса турли хил болалар адабиётлари билан бойитилган кутубхонамиз ёқди. Чунки улар энди дарсдан сўнг кенг ва ёруғ кутубхонанинг ўзида ўтириб китоб ўқишлари, ўртоқлари билан фикр алмашишлари мумкин. Мактабимизга кўплаб хомийлар турли номдаги бадий китоблар совға қилиб, кутубхонамиз фондинибойитишга хизмат қилмоқда.

**Калит сўзлар:** Китоб, адабиёт, таълим-тарбия, илм-фан, баён, иншо, кутубхона.

“Китоб — билим манбаи”, деймиз. Бу исбот талаб қилмас ҳақиқат. Зеро, инсон билимни асосан китоб орқали олади, унинг тарбияси ҳам китоб ёрдамида шаклланади. Ёшларимиз бадий адабиётларни ўқиганда, уларнинг дунёқарашини кенгайтириши, ҳаётга муносабати ўзгаради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мутолаа ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деганди: “... ҳаммамиз учун айна пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”. [1]

Зеро, китоб — қалб чироғи, тафаккур қаноти. Айниқса, китобдан тараладиган ва электрон нашрдан топиб бўлмайдиган ўзига хос ёқимли ҳидни туйиб, варақлаш асносида мўъжизавий саҳифаларнинг сирли шитирлашидан кўнгил чексиз завққа тўлган ҳолда китоб мутолаа қилиш, унинг мазмуни ҳақида тенгдошлар билан фикр алмашишнинг ҳузур-ҳаловати тамоман ўзгачадир.

Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, “Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир”. Шу маънода, шаклидан қатъи назар, барча китоблар миллий ўзлигимиз ҳамда умуминсоний кадриятларни тарғиб этишга хизмат қилиши айна муддао. [1, 89]

Алишер Навоий ҳазратлари дейдиларки, “Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи”.

Халқимизда китоб ўқиб, муносиб таълим-тарбия олиш, илм-фан билан шуғулланишнинг аҳамиятига доир мақоллар ҳам жуда кўп. Жумладан, “Китобсиз ақл – қанотсиз қуш”, “Бахт белгиси – билим”, “Билим – ақл чироғи”, “Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар”, “Хунар – оқар булоқ, илм – ёнар чирок”, “Олтин олма, билим ол, билим олсанг, билиб ол”. [2,24]

Бундай пурҳикмат нақлларни узоқ давом эттириш мумкин. Болаларни китоб ўқишга қизиқтиришда мактабларнинг роли беқиёс эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Мактабларда эса айна прайтда болалар учун орзиқиб кутилган ёзги таътил бошланди. Шу ўринда савол туғилади: Таътилда ҳам китоб ўқишдан тўхтаб қолмасликлари учун мактабларда қандай тадбирлар режалаштирилган?

Ўқувчиларимизга айниқса турли хил болалар адабиётлари билан бойитилган кутубхонамиз ёқди. Чунки улар энди дарсдан сўнг кенг ва ёруғ кутубхонанинг ўзида ўтириб китоб ўқишлари, ўртоқлари билан фикр алмашишлари мумкин. Мактабимизга кўплаб хомийлар турли номдаги бадий китоблар совға қилиб, кутубхонамиз фондинибойитишга хизмат қилмоқда.

Ўқув йили якунланиши арафасида ўқитувчилар билан келишиб, болалар ёзги таътил кунларида ўқишлари учун китоблар рўйхатини эълон қилдик. Бу тадбирга бошланғич синф ўқувчиларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали 3 курс талабаси



хам жалб қилганмиз. Янги ўқув йилида эса ўқиган китоблари асосида ўз таассуротларини ёзиб берадилар. Бунда болаларнинг фақатгина китоб ўқиб, билимларини бойитиши эмас, балки тушунчаларини ёзма равишда ифодалай олиш кўникмалари ҳам шаклланади.

Ҳозирги кунда мактаб кутубхонасида “Ёш китобхонлар” тўғараги фаолият юритиб келмоқда. Тўғаракка мактабнинг барча ўқувчилари жалб қилинган бўлиб, улар билан биргаликда китоб тақдимотлари, турли заковат ўйинлари олиб борилади. Ёзувчи шоирларнинг уй-музейларига саёхатлар уюштирилади. Яқинда мактабимиз юқори синф ўқувчилари Адиблар хиёбонига бордилар. Ёзувчи-шоирлар ҳаёти ва ижодига оид тушунчалари янада кенгайди. Тўғаракимиз ўз фаолиятини таътил кунлари ҳам узлуксиз давом эттиришни режа қилган. Бу сафар ҳам кутубхонага ошиқиб кириб келган ўғил-қизларни кўриб кўнглим ёришиб кетди. Ҳа, болаларимиз китобга, китобхонлик борасидаги қадим анъаналаримизга қайтмоқда. “Китобхонликда таътил бўлмайди” – бу уларнинг бугунги кундаги шиорига айланган.

КУТУБХОНА — босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий ва илмий муассаса; мунтазам равишда босма асарлар тўплаш, сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиография ишлари билан шуғулланади, омманинг маданий савиясини оширишда фаоллик кўрсатади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш Кутубхонанинг асосий фаолияти бўлиб, қолган барча фаолиятлар (китоб фондини бутлаш ва уни ташкил этиш, фонд мазмунини ёритиш, уни китобхонларга етказиш кабилар) асосий фаолият учун хизмат қилади.

Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади уларни ахборот ва адабиётга бўлган талабларини имкон борича тўлиқ қондириш ва адабиёт танлашларига ёрдам беришдан иборат. Ҳар бир Кутубхона ўз турига кўра китобхонларни табақаларга бўлиб, алоҳида китобхонлар гуруҳларига ажратган ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил қилади. Адабиётлар тарғиботининг барча шакл ва усуллари китобхонлар талабини имкон қадар тўлиқ ва тезкорлик билан қондиришга қаратилади.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳўжжатли манбаларни, айниқса, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши Кутубхоналарнинг юзага келиши ва ривожланишига шароит яратди. Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида жуда қадимда пайдо бўлган. 2-минг йиликда сопол битиклари сақланган Кутубхоналар бўлган. Миллий авлод 7- асрнинг ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда, Қадимий Миср ва Рим ибодатхоналари қошида Кутубхоналар бўлган. Қадимий даврдаги Кутубхоналардан энг машҳури Александрия (Искандария) кушубхонасидир.

Европада илк ўрта асрларда мовастр ва ибодатхоналар қошида Кутубхоналар ташкил этилган. Китоб босишнинг ихтиро қилиниши Кутубхоналар ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Сарбонва, Гейдельберг унутлари қошида, шунингдек, Ватикан К., Париждаги Киrolлик Кутубхона каби Кутубхоналар пайдо бўла бошлади.[3,43]

Ўзбекистон худудида миллий авлод 1-минг йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки Кутубхоналар пайдо бўлган. Дастлабки Кутубхоналар ҳукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошланган. Турон халқлари Миср, Эрон, Юнон ва уларга қўшни бўлган халқлар билан яқин алоқалар ўрнатган, ўша даврлардаги мавжуд қўлёзмалар билан ҳам таниш бўлган. Ўзбекистон халқларининг қадимий ёзма ёдгорликлари сақланмаган. Берунийнинг хабар беришича, китоб ҳазиналари ва уларни сақловчилар турли истилолар даврида йўқ қилиб юборилганларда Ўрта Осиёда фан ва маданият ривожланди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч ва бошқа йирик шаҳарлар ҳукмдорлари саройларида Кутубхоналар барпо этилди.

Айниқса, Бухорода кўп Кутубхоналар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Улардан энг машҳури, энг бой ва йириги Сомонийлар сулолавий Кутубхонаси эди. Мадраса ва масжидлар қошида ҳам Кутубхоналар бўлган. Мўғуллар истилоси арафасида Марв шаҳрида 10 та йирик Кутубхона бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. 13- асрида Самарқанд, Бухоро,



Фарғона, Балх ва бошқа шаҳарлар маданият марказлари, олимлар тўпланадиган жой бўлиб, уларда йирик Кутубхоналар мавжуд эди.

14-асрнинг 2-ярмидан Ўрта Осиёда маданий ҳаётнинг янгидан юксалиши Кутубхона ларнинг қайта тикланишида ҳам намоён бўлди. 14- асрнинг охирида Шайх Муҳаммад Порсо умум учун очган маскан вақф тарзида 19- асрнинг 40-йиларигача фаолият кўрсатган. Бухоро, Самарқанд, Қарши, Хива ва бошқа шаҳарлардаги катта мадрасаларда Кутубхоналар бўлган, уларнинг фондлари мадрасанинг қадими ва нуфўзига қараб турлича бўлган.[4,72]

Баъзи тарихий манбаларда қайд этилишича, Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Замахшарий, Умар Ҳайём қабилярнинг шахсий Кутубхоналари, Алишер Навоийнинг қимматбаҳо кўлёмаларга бой йирик Кутубхонаси, Абдурахмон Жомийнинг шахсий Кутубхонаси машҳур бўлган. 19- асрнинг охири — 20- асрнинг бошларида Бухорода 3 та энг бой шахсий Кутубхона бўлиб, улардан қози Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг Кутубхонаси бизгача тўлиқ сақланиб қолган. 20-а. бошларида маҳаллий ўзбек ва рус зиёллари генерал Жўрабек, Дукчи Эшон номи билан машҳур Муҳаммадали халфа Собир ўғли, В.Л.Вяткин, врач Г.М.Семенов, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг шахсий Кутубхоналари бўлган.

20- асрнинг 10—20-йилари Туркистон ҳудудида 2 та халқ Кутубхонаси, бир неча шаҳар Кутубхоналари ва бошқа мавжуд бўлган. Маҳаллий аҳоли вакиллари миллий йўналишдаги 2 та Кутубхона ва мадрасалар ҳузуридаги Кутубхоналардан фойдаланган. Шу Кутубхоналар ўз даврида давлат Кутубхонасини ташкил этишда асосий негиз бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда оммавий, илмий ва махсус Кутубхоналар тизими шаклланган ва фаолият кўрсатиб келмоқда.[5,90-91]

ЎЗРда Кутубхонанинг оммавий, илмий ва махсус турлари бор. Оммавий Кутубхоналар адабиётларни саралаш ва кенг китобхонлар оммасига етказиш, фаолиятида турли китобхонлар гуруҳларига мўлжалланган китобларни тарғиб қилиш ва ўқишни бошқаришда фаол ва таъсирчан усулларни қўллайди. Бу гуруҳга Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги шаҳар ва қишлоқ Кутубхоналари, касаба уюшмаларининг корхоналардаги Кутубхоналари, клублар, маданият уйларидаги Кутубхоналар киради.

Ҳар қандай Кутубхонанинг асосий вазифаси китоб фонддини жамлаш, жойлаштириш ҳамда китобхонларга хизмат қилишдан иборат. Китоб фонддини жамлаш учун ушбу Кутубхонага керакли нашрлар мунтазам кузатиб борилади, аниқланади ва уларни Кутубхонага олиш кутубхона кол-лектори орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, йирик Кутубхоналар босма нашрларнинг тўлиқ ёки қисман назорат нусхасини олиш ҳуқуқига эга, шунингдек, улар учун мамлакат ичида ва чет мамлакатлардан китоблар сотиб олиш имкони яратилади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш даражаси Кутубхона фонддини тўлиқ тўплашга бирмунча боғлиқ.

Китоб фонддини тўғри ташкил қилиш (ҳисобга олиш, жойлаштириш, сақлаш ва китобхонга етказиш) китобхонга адабиётдан фойдаланишни, кутубхона-чига эса китобхонга тез хизмат кўрса-тишни, фондни ижтимоий мулк сифа-тида сақлашни таъминлайди.[6,55]

Китобхонга хизмат кўрсатишнинг турли йўллари мавжуд: китобхонга абонемент, қироатхона ҳамда кўчма К. орқали китоб бериш; айрим китобхон ва корхоналарга китоб танлашда ёрдам бериш; кутубхона каталоги тизими орқали китоб фонддини ёритиш; турли хил ахборот-библиография қўлланмалари тузиш ва ҳ. к.

Завонавий илмий техника тараққиёти Кутубхоналар ишини мураккаблаштирамоқда. Кўтглаб босма асарларни и. ч. нинг бекиёс даражада ўсиши Кутубхоналар олдида кўп ҳажмдаги нашрларни танлаш, саралаш ва оқилова сақлаш, компьютердар воситасида излаб топиш ва тезда китобхонга етказиш масалаларини кўндаланг қўяди.[7]

Завонавий техника кутубхоначини қўл меҳнатидан озод этиб, уни асосий вазифаси — китобхонлар билан маданий тарбиявий ишлар олиб боришга кўпроқ вақт ажратишга имкон яратмоқда. Дунёдаги энг йирик Кутубхона лар: АҚШнинг Конгресс Кутубхонаси (Вашингтон), Британия Кутубхонаси (Лондон); Франция, Австрия, Швеция, Япония ва бошқа



мамлакатларнинг миллий Кутубхоналари, Россиядаги Росси давлат Кутубхонаси (Москва), Россия миллий Кутубхонаси (Санкт-Петербург) ва бошқа, Ўзбекистонда Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон ФАнинг Асосий кутубхонаси, Ўзбекистон миллий ун-тининг Асосий кутубхонаси, «Турон» кутубхонаси.

#### АДАБТЁТЛАР

1. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Пед.фанл.докт.илм.дар. Диссертация. -Т., 2002.
2. Азаров Ю.П. Болаларни севиш санъати.-Т.: Ўқитувчи,1991.
3. Айзенберг А.Я. Самообразование: История, теория и современные проблемы: Учеб. пос. - М.: Высшая школа, 1986.
4. Бинхем Р., Хэррисон К. Основы библиотечного дела: Учеб. пос./Пер. С англ. Рос. Гос. Б-ка. Информкультура.- М.: Наука, 1999.
5. Болалар адабиёти /Хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
6. Bolalar ensiklopediyasi.-2-hashr.-Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002.
7. Давлетшин М.Г. Бошланғич таълимнинг психологик омиллари.-Т.: ТДПУ, 1996.- Б. 132-134

